

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/31.08.2022.Т.73.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВ НУРИЛЛО ТОХИРБЕК ЎҒЛИ**

**КАТТА ҲАЖМЛИ ТРАКТОР ТИРКАМАСИ ТОРМОЗ ТИЗИМИ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Эргашев Нурилло Тохирбек ўғли**

Катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизими параметрларини  
асослаш..... 3

**Эргашев Нурилло Тохирбек ўғли**

Обоснование параметров тормозной системы тракторного прицепа  
большой вместимости..... 22

**Ergashev Nurillo Tokhirbek ugli**

Substantiation of parameters of the braking system of a large-capacity tractor  
trailer..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.15/31.08.2022.Т.73.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВ НУРИЛЛО ТОХИРБЕК ЎҒЛИ**

**КАТТА ҲАЖМЛИ ТРАКТОР ТИРКАМАСИ ТОРМОЗ ТИЗИМИ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PHD/T5469 рақам билан рўйхатга олинган.**

**Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.**

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.andmiedu.uz](http://www.andmiedu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шермухамедов Абдулазиз Адилхакович,**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ханкелов Тавбай Каршиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Астанақулов Комил Дўллийевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах политехника институти**

Диссертация ҳимояси **Тошкент давлат транспорт университети** хузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc. 15/31.08.2022.Т.73.03** рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент ш, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, Тел.: (99871) 299-05-66).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент ш, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, Тел.: (99871) 299-05-66).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Рискулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**К.З.Зияев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, фалсафа  
доктори (PhD), доцент

**А.А.Мухитдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда иқтисодий янада ривожлантириш ва аҳолининг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини сифатли қондириш мақсадида, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологияларни жорий этиш имконини берадиган янги юқори самарали автотранспорт воситалари билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирда, қишлоқ хўжалигида дала ишларини белгиланган муддатларда олиб бориш, кўп жихатдан – зарур материалларни далага ўз вақтида етказиб беришни, йиғиб олинган ҳосилни далалардан олиб чиқишни таъминлайдиган юқори унумдор тезюрар автотранспорт воситаларининг мавжудлиги оширишга қаратилган масалалар етакчи ўринни эгаллаган. Бу борада, жумладан турли хил енгил ва йирик ўлчамли юкларни ташишда юқори иш унумдорлиги ва зарур қувватга эга бўлган катта ҳажмли трактор тиркамалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишга мўлжалланган автотрактор тиркамалари, жумладан катта ҳажмли тиркамалар турларини кўпайтириш ва хусусиятларини яхшилаш борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда, жумладан, “John Deere”, Krampe, “Palmse Trailer”, “Blum Machinery”, “Mordovagromash”, “Белагромаш”, “Palaz og’lu”, “Luckinn vehicle” каби компаниялари турли йўл шароитларида ишлатиладиган катта ҳажмли тиркамаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юклаш, турли хил механизмлардан фойдаланиб юкларни тушуриш, ўғитларни сепиш, тормоз тизими ва ҳаракатлантирувчи қисмлари параметрларини асослаш ҳамда уларни трактор ёки тиркамалар билан агрегатлаш масалаларига бағишланган тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган муддатларда йиғиштириб олиш ва ташишни жадаллаштириш, замонавий ва ресурстежамкор техникалар ҳамда технологияларни жорий этиш, механизациялашган ишлар сифатини ошириш, қишлоқ хўжалиги техникаларидан унумли фойдаланиш ва хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш орқали маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш бўйича кенг қамровли режали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буни, йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сертификатлаш ишларини ривожлантиришга қаратилган соҳадаги олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва услубий ишларни рағбатлантирувчи қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги яққол кўрсатиб турибди. Жумладан, 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...Транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш”<sup>1</sup>да юк ташиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони.

харажатларини 30 фоизгача камайтириш бўйича вазифалари алоҳида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 мартдаги “Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-103-сон, 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4410-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғриси”ги 578-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади<sup>2</sup>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Транспорт воситаларининг тормоз тизимидаги иш жараёнларни статик ва динамик ҳисоби билан Герц Е.В., Ю.В.Беленкий, Г.В.Крейнин, В.И.Погорелов, Н.Ф.Метлюк, В.П.Автушко, Н.В.Дмитриев, Богдан Н.Н., А.В.Богачевой, В.И. Погорелов, В.В.Жестков, Бартош П.Р., Е.Bali, P.Beater, H.Bao., J.Czaban, Gangyan Li, A.K.Jindal, Z.Kamiński, M.Kisiel, S.V.Krichel, S.Palanivelu, J.Patil, O.Sawodny, M.Selvaraj, S.C. Subramanian, D.Szpica, L.Tokashiki, E.E.Торç, Z.Wang, W.Wei, X.Wei ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган. Ўзбекистонда транспорт воситаларининг тормоз тизимини О.В.Лебедев, Рашидов Н.Р., А.А.Шермухамедов, В.А.Топалиди, О.К.Касимов, Т.Қодиршоев, Қ.К.Ходжиев ва бошқалар ўрганган.

Ҳозирги вақтда тиркамалар тормоз тизимининг конструктив, статик ва динамик параметрларини, тормозлаш жараёнида ҳосил бўладиган юкламаларни транспорт воситасига таъсирларини ўрганиш ва ҳисоблаш учун турли аналитик боғланишлар, моделлар ва услублар ишлаб чиқилган.

Тиркамаларнинг тормоз тизими параметрларини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг алоҳида элементлари учун математик моделлар тузилган ва аналитик усулларда ечилган, лекин тиркамаларнинг тормоз тизими параметрларини геометрик ўлчамлари, элементларининг схематик жойлашуви, ўқларига тушадиган тормоз кучларининг рационал тақсимланиши, уларнинг юкланиши, юк ва унинг

---

<sup>2</sup>2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони

турларига боғлиқ ҳолда ЭХМ дан фойдаланиб, комплекс ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилмаганини кўрсатди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ИЛ-462106970 – “Замонавий пахта териш машиналари учун катта ҳажмли трактор тиркамасининг саноат намунасини яратиш” (2022-2024 йй.) мавзусидаги давлат илмий техник дастурининг инновацион тадқиқотлар лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Маҳаллий ишлаб чиқарилган катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизимининг параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

катта ҳажмли тиркамалар тормоз тизимига қўйиладиган талаблар ва ҳисоблаш усулларини таҳлил қилиш;

катта ҳажмли тиркамалар тормоз тизими параметрларини статик ҳисоблаш, уни турғунлиги ва тахланиш мезони бўйича баҳолаш;

катта ҳажмли тиркамалар тормоз тизими параметрларини динамик ҳисоблаш;

тиркамалар тормоз тизими параметрларини назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш;

тадқиқот натижаларини жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. тадқиқот натижаларини жорий этишдан олинadиган иқтисодий самарани баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти:** Катта ҳажмли трактор тиркамалари тормоз тизими.

**Тадқиқотнинг предмети:** Катта ҳажмли трактор тиркамалари тормоз тизими иш жараёнлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тиркамалар тормоз тизими параметрларини асослашда назарий механиканинг асосий қоидалари ва усуллари, машиналар ва механизмлар назарияси, ғилдиракли машиналар ҳаракати назарияси, тажрибаларни режалаштириш ва математик статистика усуллари, тормозлаш хусусиятларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

катта ҳажмли трактор тиркамаси учун тормозланиш жараёнида таянч юзанинг нормал реакция кучлари қайта тақсимланишини баҳолаш имконини берадиган тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффиценти қийматлари аниқланган.

катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз юритмасининг ишлаш жараёнини ўтказувчи қувур ва тормоз камераси диаметрларига боғлиқ равишда ўқларининг тормозлашини синхрон бўлмаган ҳолда ишлашини ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилган.

катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизимини функционал тугалланган элементлар усули асосида ҳисоблаш модели ишлаб чиқилган;

катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизими иш жараёнини ташқи таъсир, юритмалар тизими, бошқарув таъсири, тормоз кучининг ўқлар

бўйича тақсимланишини ҳисобга олувчи сонли ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган моделлар, услублар, алгоритмлар ва компютер дастурлари ёрдамида сонли моделлаштириш асосида лойиҳалаш босқичида катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизимнинг самарадорлигига конструктив ечимларнинг таъсирини баҳолаш ва тормоз камералари ҳамда ўтказувчи қувур параметрларни аниқлаш имконини берган;

тадқиқотлар асосида катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизимининг динамик характеристикалари ҳамда юритмалар тизимининг куч характеристикалари аниқланган;

таклиф этилаётган модел ва сонли ҳисоблаш методикалари ёрдамида, лойиҳалаш жараёнида катта ҳажмли трактор тиркамасининг статик ва динамик параметрларини асослаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тиркама тормоз тизимининг конструктив, статик ва динамик параметрлари назарий механика, математик моделлаштириш қоидалари асосида назарий асосланганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, трактор тиркамалари тормоз тизимини статик ва динамик ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган компютер дастурини амалиётга жорий этилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мослиги, синовлар ўтказилганлиги, амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиркамалар тормоз тизимининг параметрларини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар ва ҳисобий усуллардан барча турдаги тиркамалар тормоз тизимларининг параметрларини асослашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиркамаларни тажриба синов нусхаларини ишлаб чиқаришда лойиҳалаш сифати ва самарадорлигини ошириш, тажриба-конструкторлик ва тиркамаларнинг завод синовларини ўтказиш харажатларини қисқартириш, шунингдек катта ҳажмли трактор тиркамаларидан фойдаланиш турли юкларни ташишда иш унумдорлигини ошириш ҳисобига ёқилғи-мойлаш материаллари сарфини тежалишига олиб келади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юк кўтарувчанлиги оширилган, катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизимининг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар асосида:

катта ҳажмли трактор тиркамасининг тормозлаш самарадорлигини эмпирик коэффиенти қийматлари “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2024 йил 18 январдаги 17/07-25-2011-сон маълумотномаси). Натижада, катта ҳажмли трактор тиркамаси учун

тормозланиш жараёнида таянч юзанинг нормал реакция кучлари қайта тақсимланишини баҳолаш имконини берган;

илмий асосланган катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз юритмасининг ишлаш жараёнини ўтказувчи қувур диаметри ва тормоз камераси диаметрларига боғлиқ ҳолда ўқларининг тормозлашини синхрон бўлмаган ҳолда ишлашини ҳисоблаш услуги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2024 йил 18 январдаги 17/07-25-2011-сон маълумотномаси). Натижада, тиркаманинг орқа ўқлари ғилдираклари олдинги ўқ ғилдиракларидан тезроқ тормозлаш ҳисобига турғун тормозланиши таъминланган;

катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизимини функционал тугалланган элементлар усули асосида ҳисоблаш модели “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2024 йил 18 январдаги 17/07-25-2011-сон маълумотномаси). Натижада тормоз тизимининг элементлари параметрлари асосланган;

тиркалар тормоз тизими иш жараёнини сонли ҳисоблаш услуги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2024 йил 18 январдаги 17/07-25-2011-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳалаш-конструкторлик ишлари, тажриба ва саноат нусхаларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини 25% га оширишга эришилган.

Илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали ишлаб чиқилган катта ҳажмли трактор тиркамасидан фойдаланишда, бир йил мобайнида кутилаётган иқтисодий самара 42,5 млн. сўм ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавзу бўйича илмий техник адабиётларнинг таҳлили, муаммони шакллантириш”** деб номланган биринчи бобида катта ҳажмли трактор тиркамаларининг конструктив хослиги ва уларга қўйиладиган талаблар, бугунги кунда мамлакатимизда ва жаҳонда тиркамалар тормоз юритмалар тизимини моделлаштириш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, катта ҳажмли трактор тиркамаларининг турғунлиги ва хавфсизлигини баҳолаш мезонлари таҳлили келтирилган.

Замонавий трактор тиркамалари тормоз тизимларининг мавжуд конструкцияларини таҳлил қилиш асосида катта ҳажмли трактор тиркамаларининг тормоз юритмаси схемаси таклиф этилган бўлиб, у тормозлашда хавфсизликни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, катта ҳажмли трактор тиркамаларининг тормоз тизимларига қўйиладиган асосий талабларни қаноатлантиради.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда қўлаб олимлар транспорт воситаларининг тормоз тизимини ҳисоблаш масалалари билан шуғулланган ва шуғулланиб келаётганини кўрсатади. Улар томонидан тормоз тизимининг элементларини ҳисоблаш моделлари ва усуллари ишлаб чиқилган, тормоз тизимининг алоҳида характеристикаларини тадқиқ қилиш имконини берувчи қўлаб универсал ва махсус дастурий воситалар ва уларнинг аниқлик даражалари таҳлиллари таклиф қилинган, аммо катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизими учун мўлжалланган конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг юритма тизимларини ҳисоблашнинг мавжуд моделлари ва усуллари модернизация қилишни, ушбу юритмаларда қўлланиладиган жараёнларга турли характеристикаларнинг комплекс таъсирини кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Катта ҳажмли трактор тиркамалари тормоз тизими параметрларини асослашнинг назарий тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида, пневматик тормоз тизими (ПТТ)нинг статик ва динамик ҳисоблаш усуллари, статик ва динамик ҳисоблаш натижалари, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

ПТТни статик ҳисоблашнинг таклиф этилган усулидан фойдаланиб, ҳажмий пневматик юритма (ХПЮ) параметрлари аниқланди.

Аниқланиши керак бўлган ХПЮнинг асосий параметрларидан бири тормоз камераси диафрагмасининг диаметри бўлиб, у тиркаманинг оғирлиги  $G_n$ , йўлнинг илашиш коэффициенти  $\phi$ , тиркаманинг масса марказининг баландлиги ( $h_0$ ), тиркаманинг базаси  $l$ , тормоз камераси штокидаги куч  $P_T$ , тормоз камерасининг штоксиз бўшлиғидаги ҳаво босими  $p$  га боғлиқ.

Қабул қилинган ПТТнинг схемаси асосида тиркаманинг олди ва орқа ўқлари учун тормоз камераси диафрагмасининг диаметрлари ( $d_{TK1}$ ,  $d_{TK2}$ ) ғилдирақларнинг йўл билан илашишидаги тормоз кучининг максимал

қиймати бўйича аниқланди. Таклиф этилаётган трактор тиркамаси тормоз тизими параметрлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизими параметрлари

$G_n$ , кН	$\varphi$	$l$ , м	$h_0$ , м	$F_{TK}$ , м <sup>2</sup>	$p$ , МПа	$P_{T1}$ , кН	$P_{T2}$ , кН	$d_{TK1}$ , м	$d_{TK2}$ , м
157,0	0,8	6,375	1,8	0,07	0,6	51,3	32,4	0,233	0,130

Тиркама тормоз тизимидаги бир марта фавқулдда тормозлаш учун ҳаво сарфи тормоз камераси диафрагмасининг ҳаракати натижасида вужудга келадиган ҳажм, ўтказувчи қувурлар ва ҳавонинг эластиклиги ҳисобига ҳосил бўладиган қўшимча ҳажм ҳамда тизимнинг ишга тушиш вақти билан аниқланади.

Трактор тиркамаларининг турғунлиги уларнинг тормоз тизимининг самарали ишлаши ва тиркаманинг трактордан эртароқ тормозлаши орқали тахланмаслиги билан тавсифланади.

Трактор тиркамаси тормоз тизимига таъсир этувчи қаршилик куч ва моментлари қийматидан келиб чиқиб, тиркаманинг оғирлик марказига қўйилган 12 тонна юкни тиркама олди ўқи учун диаметри 210 мм бўлган, орқа ўқлари учун диаметри 150 мм бўлган тормоз камералари ҳамда ҳаво динамикасини назарий тадқиқ қилиш натижасида тиркаманинг олди ва орқа ўқлари учун мос равишда 14 ва 12 мм бўлган ўтказувчи қувурларида тормоз тизимини самарали ишлатиш мумкинлиги аниқланди.

2-жадвалда лойиҳаланаётган трактор тиркамаси тормоз камераси ва ўтказувчи қувурларининг маълум ўлчамларида ( $d_{тр1}$ ,  $d_{тр2}$ ) бир марталик шошилишч тормозлаш учун ҳаво сарфи -  $G_m$ , тиркаманинг олдинги ва орқа ўқлари учун ҳаво сарфи  $G_m^1$ ,  $G_m^2$  ҳаво ва тўтказувчи қувурларнинг эластиклиги  $V_0^1$ ,  $V_0^2$  ҳисобига ҳосил бўладиган тормоз тизимининг олдинги ва орқа ўқларидаги қўшимча ҳажмлар, тормоз камераси диафрагмасининг ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган олдинги ўқ ва орқа ўқлардаги  $V_1'$ ,  $V_2'$  ҳажмлар ва юритманинг ишга тушиши вақти  $\tau_{иш}$  келтирилган.

$$G_m = G_m^1 + G_m^2, \quad (1)$$

бунда

$$G_m^1 = (V_1' + 0.12 \cdot (V_1' + V_0)) / \tau_{иш}, \quad (2)$$

$$G_m^2 = (V_1' + 0.12 \cdot (V_1' + V_0)) / \tau_{иш}, \quad (3)$$

$$V_0 = V_0^1 + V_0^2 \quad (4)$$

$$V_0^1 = F_{тр}^1 \cdot l_{ум}^1, \quad (5)$$

$$V_0^2 = F_{тр}^2 \cdot l_{ум}^2, \quad (6)$$

$$V_1 = V_1' + V_2', \quad (7)$$

$$V_1' = \frac{\pi \cdot d_{TK1}^2 \cdot S \cdot n_{k1}}{4}, \quad (8)$$

$$V_2' = \frac{\pi \cdot d_{TK2}^2 \cdot S \cdot n_{k2}}{4}, \quad (9)$$

2 - жадвал

Трактор тиркамаси тормоз тизимининг параметрлари

Олди ўк	$d_{TK1}, \text{м}$	$d_{тр1}, \text{м}$	$V_0^1, \text{м}^3$	$V_0, \text{м}^3$	$V_1', \text{м}^3$	$V_1, \text{м}^3$	$G_m^1, \text{м}^3/\text{с}$	$G_m, \text{м}^3/\text{с}$
	0.21	0.014	0,00076		0,0052		0,0059	
Орқа ўқлар	$d_{TK2}, \text{м}$	$d_{тр2}, \text{м}$	$V_0^2, \text{м}^3$	0,0024	$V_2', \text{м}^3$	0,0092	$G_m^2, \text{м}^3/\text{с}$	0.0133
	0.15	0.012	0,0017		0,004		0,0074	

Ресивер ҳажми  $V_{pec}$  бир марта тормозлаш учун сарфланадиган ҳавонинг миқдори ГОСТ 22895-77 талабларига асосан беш мартадан кам бўлмаган тормозлашни бажариш орқали ҳисобланади.

$$V_{pec} = 5 \cdot G_m \quad (10)$$

Олинган натижалар пневмаюритманинг олди ва орқа ўқидаги қисмлар учун ресиверлар ҳажми мос равишда 29,5 литр ва 37 литр эканлиги аниқланди.

Маълумки тормоз юритмаси ва тормоз механизмларида динамик жараёнлар содир бўлади: барқарор кучлар содир бўлмайди ва бир текисда ўзгармайди. Ғилдирак шиналарининг блокировка бўлиши натижасида таянч юза билан илашиш кучи камаяди, натижада ғилдиракли машинанинг секинлашиши ҳам камаяди, тормоз ва тўхташ йўллари ортади. Шунингдек, транспорт воситасининг тормозланиш ҳолатида унинг турли ғилдираклари шиналарнинг таянч юзаси билан турлича илашиш коэффицентларида бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ўқлардаги тормоз кучлари ва моментларининг тақсимланиши илашиш коэффицентларининг нисбатига боғлиқ.

Д.П. Великанов томонидан таклиф этилган тормозлаш жараёни формулаларига тормоз тизими таъсирининг мумкин бўлган самарадорлигидан фойдаланиш даражасини ҳисобга олувчи тормозлаш самарадорлиги коэффиценти  $k_e$  ни тормозлаш жараёни кўрсаткичларини ҳисоблаш натижаларини реал қийматларга яқинлаштириш имконини беради.

У ҳолда тормоз йўлини аниқлаш формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$S_{\text{тор}} = \frac{k_e \cdot v_{\text{max}}^2}{2 \cdot g \cdot (\varphi + i)}, \quad (11)$$

бунда  $i$  - йўлнинг қиялиги;  $k_e$  - тормозлаш самарадорлиги коэффиценти; енгил автомобиллар учун  $k_e = 1,1-1,2$ ; юк автомобиллари ва автобуслар учун  $k_e = 1,3-1,4$  бўйлама илашиш коэффиценти  $\varphi \geq 0,3$  бўлган йўлда.  $\varphi < 0,3$  бўлганда барча автомобиллар учун  $k_e = 1,0$  деб олиш мумкин, чунки бу ҳолда нормал реакцияларнинг қайта тақсимланиши кичик бўлади.

ДСт 25478-91 ГОСТ талабларига асосан тиркамаларнинг эквивалент тормоз йўли куйидаги формуладан фойдаланиб ҳисобланади.

$$S_0 = A \cdot V_0 + \frac{V_0^2}{26 \cdot j_{\text{сек}}}, \quad (12)$$

бунда  $A = 0,1$  – тормоз тизимининг ишга тушиш вақтини тавсифловчи коэффициент,  $j_{\text{сек}} = 3,45$  – барқарор секинлашиш  $\text{м/с}^2$ ,  $V_0 = 30$  – трактор тиркамасининг ўртача тезлиги,  $\text{км/соат}$ .

Юқоридаги тормоз йўлининг қийматини аниқлаш формуласига математик шакл ўзгартиришлар киритиш орқали эксперимент тадқиқотлар усулида аниқланган тормоз йўлини киритиб, ҳамда горизонтал йўлнинг қиялигини  $i = 0$  тенг деб қабул қилган ҳолда тормозлаш самарадорлиги коэффициенти қийматлари куйидагича аниқланади.

$$k_e = \frac{2 \cdot g \cdot \varphi \cdot S_e}{V_{\text{max}}^2}. \quad (13)$$

Трактор тиркамасининг максимал юкланишда ва ДСт меъёрий хужжатларда белгиланган максимал тезликда, йўлнинг горизонтал қисмида  $\varphi = 0,7$  илашиш коэффициенти қийматида олинган тормоз йўлининг назарий (12) ва синов натижалари ҳамда тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффициенти қиймати 3-жадвалда келтирилган. Тормоз йўлининг назарий ва синов натижаларини фарқи 22 фоизни ташкил қилади. Бундай фарқ тормоз йўлини тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффициенти киритилган (11) формуладан фойдаланиб аниқлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

3-жадвал


Катта ҳажмли тиркаманинг горизонтал йўлда максимал юкланиш ва максимал тезликда ҳисобланган тормоз йўли ва унинг синов натижаси билан солиштирма таҳлили натижалари

№	Тормозлаш бошланган вақтдаги ҳаракатланиш тезлигининг ўртача қиймати		Тормоз йўли ДСт бўйича	Синовда аниқланган тормоз йўли	Назарий ва экспериментал натижаларини фарқи	Тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффициенти қиймати
	$V_0, \text{км/соат}$	$V_0, \text{м/с}$				
1	30	8,33	13	10.1	22	1,99

Шундай қилиб, катта ҳажмли трактор тиркамасининг тормоз йўлини тормозлаш самарадорлиги коэффициенти орқали тузатиш киритилган тўхташ йўли формуласидан фойдаланган ҳолда аниқлаш ва тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффициентини қийматига қараб, тормозланиш жараёнида нормал реакция кучлариларнинг қайта тақсимланишини баҳолаш тавсия этилади.

ХПЮнинг математик моделини тузишда модулли куриш тамойили кўлланилади, бу ХПЮнинг ҳар бир элементи учун математик моделларни тузишни ва кейинчалик уларни қабул қилинган схемага мувофиқ чегаравий шартлар ёрдамида бирлаштиришни назарда тутати. Бу тамойил ЭХМда ҳисоблаш дастурини тузиш ва амалга ошириш вақтини анча қисқартириш имконини беради.

Муайян бўғинга кучларни келтириш усулидан фойдаланиб, пневматик тормоз камераси диафрагмасини ҳаракати тенгламасини тузамиз. Бунда, келтириш бўғини сифатида пневматик тормоз камераси диафрагмасини танлаймиз (2-расм), яъни. Бу ҳолда, пневматик тормоз камераси диафрагмасининг динамикаси қуйидаги дифференциал тенгламалар тизими билан ёритилади.



2-расм. Пневматик юритманинг ҳисоб схемаси.

$$m_{km} \frac{d^2y}{dt^2} = p_e F - P_p \text{sign} \left( \frac{dy}{dt} \right) - P(y) \quad (14)$$

$$\begin{cases} dp_e/dt = k/(V_0 + F_y \cdot v) \cdot [\rho \cdot R \cdot T \cdot Q_e - p_e \cdot F \cdot v] \\ d\rho_e/dt = \rho/(V_0 + F_y) \cdot [Q_e - F \cdot v] \end{cases} \quad (15)$$

бунда

$$P_p = b \frac{dy}{dt} \text{sign} \left( \frac{dy}{dt} \right), \quad \frac{d\rho_e}{dt} = \frac{\rho}{V_0 + F_y} [Q_e - F \frac{dy}{dt}], \quad \frac{dp_e}{dt} = \frac{k}{V_0 + F_y \frac{dy}{dt}} [\rho R T Q_e - p_e F \frac{dy}{dt}],$$

$m_{km}$ , - пневматик юритма диафрагмаси штокига келтирилган ҳаракатланувчи қисмларнинг массаси;  $k$  – адиабатик коэффициент;  $P_p$  - пружинанинг қаршилик кучи;  $P_y$  – тормоз камераси диафрагмаси штокига келтирилган қаршилик кучи;  $F_y$  тормоз камераси диафрагмасининг кўчиши;  $F$  – тормоз камераси диафрагмасининг майдони;  $V_0$  тормоз камерасининг бошланғич ҳаво ҳажми;  $V_e$  – тормоз камераси диафрагмасининг кўчиши натижасида ҳосил бўлувчи ҳажм;  $Q_e$  тормоз камерасидаги ҳаво сарфи;  $R$  - ҳаво учун газ

доимийси;  $T$  - ресивердаги ҳавонинг мутлақ ҳарорати;  $p_e$  - ресивердаги босим;  $\rho_e$  - ресивердаги ҳаво зичлиги.

Ўтказувчи қувурлардаги ихтиёрий кесим майдон учун динамик жараёнларни бир ўлчовли Навье-Стокс тенгламаси билан тавсифлаш мумкин, бунда оқим параметрлари (босим  $p$ , зичлик  $\rho$  ва тезлик  $V$ ) кесим бўйича ўртача олинади. Бундай ҳолда, қовушқоқлик кучлари фақат оқим ва ўтказувчи қувур магистралининг ички девори орасидаги юзада (ишқаланиш туфайли босим йўқотишлари сифатида), шунингдек, ўтказувчи қувур ўқиға перпендикуляр бўлган бўлимларда  $x$  ҳисобға олинади. Сиқилган ва қувурли магистралда босим йўқотилиши магистралнинг қўшимча узунлиги билан ҳисобға олинандиган турли хил маҳаллий қаршиликлар (эгилишлар, бурилишлар, кенгайиш ёки торайиш участкалари) туфайли юзаға келади деб фараз қилган ҳолда магистралдаги ҳаво оқими қуйидаги тенгламалар тизими билан ифодаланади.

$$\frac{\partial u}{\partial t} + \frac{\partial(p+w)}{\partial x} + \frac{\partial}{\partial x} \left( \frac{a^2 u^2}{kp} \right) + \frac{35\nu u}{d^2} \text{sign}(u) + \frac{k_\varepsilon a^2 u^2}{2dkp} \text{sign}(u) = 0 \quad (16)$$

$$\frac{\partial p}{\partial t} + a^2 \frac{\partial u}{\partial x} = 0, \quad (17)$$

$$\frac{\partial(\ln\rho)}{\partial t} = -V \frac{\partial(\ln\rho)}{\partial x} + \frac{1}{k+(k-1)w/\rho} \left[ \frac{\partial(\ln p)}{\partial t} + V \frac{\partial(\ln p)}{\partial x} \right] \quad (18)$$

бунда,  $u = \rho \cdot V$ ;  $k_\varepsilon$  - аппроксимация коэффициентлари, унинг қиймати пневматик ўтказувчи қувурларнинг нисбий ғадир-будурлиги  $\varepsilon$  га боғлиқ,  $\nu$  - газнинг кинематик қовушқоқлиги,  $k$  - ғадир-будурлик коэффициентлари,  $w$  - сунъий қовушқоқлик,  $a$  - товуш тезлиги, оқим параметрлари: босим  $p$ , зичлик  $\rho$  ва тезлик  $V$ .

Оқимнинг ҳаво тақсимлагич орқали ўтиши қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\text{ТК}} = \mu_{\text{ТК}} * f_{\text{ТК}} \sqrt{\frac{2}{\rho} * (p_{\text{кир}} - p_{\text{чиқ}})} \quad (19)$$

бунда  $p_{\text{кир}}$ ,  $p_{\text{чиқ}}$  – тормоз кранининг кириш ва чиқишидаги босим,  $f_{\text{ТК}}$  - кранининг ўтиш қисмининг майдони,  $\mu_{\text{ТК}}$  - сарф коэффициентлари.

Кранининг ўтиш қисмининг майдони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$f_{\text{ТК}} = \pi * d_{\text{к}} * h_{\text{к}} \quad (20)$$

бунда  $d_{\text{к}}$  – кириш клапанининг ўриндиқ диаметри;  $h_{\text{к}}$  – кириш клапанининг юриши.

Ҳаво тақсимлагич крани кириш клапанининг максимал силжишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$h_k = \begin{cases} 0 & \text{бунда } 0 < t \leq \tau_0 \\ h_0 * \frac{t}{i * t_{max}} & \text{бунда } \tau_0 < t \leq \tau_0 + t_{max} \\ \frac{h_0}{i_n} & \text{бунда } t > \tau_0 + t_{max} \end{cases} \quad (21)$$

бунда  $h_0$  – краннинг кириш клапанининг максимал силжиши;  $i_n$  – краннинг механик юритмасининг узатишлар нисбати;  $\tau_0$  – механик юритманинг тиркичларини танлаш вақти;  $t_{max}$  – кириш клапанининг кўчиш вақти.

Юқоридаги (14)-(21) тенгламалар тизими бошланғич ва чегаравий шартлар билан биргаликда тракторнинг пневматик тормоз юритмаси ХПЮни динамик ҳисоблаш учун математик моделни ташкил қилади. Бу масалаларни ечиш учун Паскал алгоритмик тилида компьютер дастури ишлаб чиқилган («Кузовлари алмашувчи универсал шассили трактор тиркамаси тормоз тизимини динамик ҳисоблаш учун компьютер дастури», DGU 26314).

ХПЮларида ўтиш жараёнлари содир бўлганлиги сабабли улар куйидаги параметрлар ёрдамида баҳоланади: тормоз камераси диаметри  $D_{тк}$ , ўтказувчи қувур диаметри  $d_{ўк}$ , ишга тушиш вақти  $t_{иш}$ , назарий ва экспериментал қийматлари ишга тушиш вақтлари фарқи  $\Delta t_{итв}$ , ўтиш жараёни вақти  $t_{ўж}$ , назарий ва экспериментал қийматлари ўтиш жараёни вақтлари фарқи  $\Delta t_{ўжв}$ , босимни ростланиш қиймати  $p_p$ , босимнинг нисбий фаркланиши  $\Delta p_{max}$ .

Ҳисоблаш натижасида олинган ХПЮ параметрларининг ўзгариши тавсифлари 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал

Трактор тиркамасининг тормозланиши жараёнининг ҳисоб натижалари

Трактор тиркамаси ХПЮнинг олди ўқидаги тормоз камераси ва ўтказувчи қувур ўлчамлари, мм		Пневматик юритмадаги ўтиш жараёни тавсифлари			Трактор тиркамаси ХПЮнинг орқа ўқидаги тормоз камераси ва ўтказувчи қувур ўлчамлари, мм		Пневматик юритмадаги ўтиш жараёни тавсифлари		
$D_{тк}$	$d_{ўк}$	$t_{иш}, c$	$t_{ўж}, c$	$p_p, \%$	$D_{тк}$	$d_{ўк}$	$t_{иш}, c$	$t_{ўж}, c$	$p_p, \%$
210 мм	16 мм	0,59	0,24	8,3	150 мм	14 мм	0,57	0,20	6,3
200 мм	16 мм	0,58	0,22	7,6	167 мм	14 мм	0,57	0,20	6,9
188 мм	16 мм	0,57	0,21	6,8	177 мм	14 мм	0,58	0,19	7,4
210 мм	14 мм	0,58	0,25	6,82	150 мм	12 мм	0,56	0,21	4,5
200 мм	14 мм	0,56	0,21	5,68	167 мм	12 мм	0,57	0,22	5,6
188 мм	14 мм	0,55	0,20	4,95	177 мм	12 мм	0,58	0,24	6,1
210 мм	12 мм	0,58	0,25	3,88	150 мм	10 мм	0,55	0,28	3,4
200 мм	12 мм	0,57	0,23	3,65	167 мм	10 мм	0,56	0,25	4,2
188 мм	12 мм	0,56	0,20	3,50	177 мм	10 мм	0,57	0,23	5,4

Тавсияларга асосан, минимал ишга тушиши вақти ва босимнинг қайта ростланиши ўтказувчи қувур параметрлари олди ўқи учун 14 мм, орқа ўқлари учун 12 мм бўлган ўлчамларида мақбул самарадорликга эришиши мумкинлиги аниқланди.

Трактор тиркамасининг тезлиги 30 км/соат бўлгандаги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлили: (3-расм, 5-жадвал) трактор тиркамасининг тормозланиш параметрлари (тормоз йўли ва ўтиш жараёнларининг тавсифлари) четлашиши умуман олганда 8% дан ошмаслигини, бу эса ишлаб чиқилган моделдан ХПЮ параметрларини асослашда ва унинг ишлашига турли омиллар таъсирини таҳлил қилишда фойдаланиш имконини беради.



— -эксперимент, - - - - назария.

3-расм. Трактор тиркамасини тормозланиш жараёнида пневматик тизимининг тормоз камерасидаги босимнинг ўзгариши.

5-жадвал

Назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг солиштирма жадвали

№	Параметрлар	Олди ўқ		Орқа ўқ	
		Наз.	Эксп.	Наз.	Эксп.
1	Ишга тушиш вақти, $\Delta t_{итв} = \frac{t_{итв}^э}{t_{итв}^н} \cdot 100\%, с$	0,58	0,55	0,56	0,53
		Фарқ, 5,26 %.		Фарқ, 5,35 %	
2	Ўтиш жараёни вақти $\Delta t_{ўжв} = \frac{t_{ўжв}^э}{t_{ўжв}^н} \cdot 100\%, с$	0,20	0,21	0,225	0,24
		Фарқ, 5,0 %.		Фарқ, 6,66 %.	
3	Босимнинг нисбий фарқланиши, $\Delta p_{мах} = \frac{\Delta p_p^э}{\Delta p_p^н} \cdot 100\%,$ МПа	0,616	0,642	0,610	0,630
		Фарқ, 4,2 %.		Фарқ, 3,28 %.	

Натижаларнинг солиштирма таҳлили ХПЮ ишлашининг назарий ва экспериментал тадқиқотлари натижаларининг максимал четлашиши: ишга тушиш вақти олди ўқ учун 5,26%, орқа ўқлари учун 5,35 %ни, ўтиш жараёни вақти олди ўқ учун 5,0%, орқа ўқлари учун 6,66 % ни, босимнинг ростланиши олди ўқи учун 4,2%, орқа ўқлари учун 3,28 % ни ташкил этди, бу натижалар таклиф қилинган модел ва ҳисоблаш методикасининг адекватлигини кўрсатади.

Диссертациянинг “Тиркамалар тормоз тизими параметрларини асослашнинг экспериментал тадқиқоти ва амалиётга татбиқини иқтисодий самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида экспериментал тадқиқот дастури, услуби, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ҳамда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишнинг иқтисодий самарадорлиги” келтирилган.

Экспериментал тадқиқот дастури ва методикаси трактор тиркамаси пневматик тормоз тизими параметрлари, жумладан пневматик юритмадаги босимнинг ўзгаришини, тизимнинг ишга тушиш вақти, ўтиш жараёни вақти ҳамда трактор тиркамасини тормозлаш жараёнини аниқлашга бағишланган.

Экспериментларни режалаштириш орқали ишончлилик  $H=0,95$ , хатолик  $\Delta=3$  бўлиши учун синовлар сони  $n=3$  та бўлиши аниқланди.

Катта ҳажмли трактор тиркамасининг экспериментал тадқиқотлари натижасида тормоз йўли ва тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффиценти  $k_e$  қийматлари аниқланди (13-формула бўйича). Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Тормоз йўли ва тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффиценти қийматлари

№	Тормозлаш бошланган вақтдаги ҳаракатланиш тезлиги		Синов вақтида ўлчанган тормоз йўли	Йўлнинг илашиш коэффиценти	Тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффиценти қийматлари ўзгариши
	$V_o, \text{ км / соат}$	$V_o, \text{ м/с}$	$S_e, \text{ м}$	$\varphi$	$k_e$
1	30	8,33	10,1	0,7	1,99
2	27,9	7,75	8,6	0,7	1,96
3	28,2	7,83	8,8	0,7	1,97
4	29,4	8,16	9,5	0,7	1,95
5	28,9	8,02	9,1	0,7	1,94
Ўртача	28,9	8,02	9,2	0,7	1,96

Тормозланиш самарадорлигини аниқлашда ҳажмдор юкларни ташишга мўлжалланган катта ҳажмли трактор тиркамасининг ўқлари ва ғилдиракларида нормал реакция кучларининг қайта тақсимланиш қийматлари катталашиб кетиши кузатилади. Натижада, ушбу реакция кучлари тормоз тизимининг ишлаш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.  $k_e$  нинг ўртача қиймати тақлиф этилган тиркама учун 1,96 ташкил қилди. Бу натижа нормал реакция кучларининг қайта тақсимланиши катта бўлмаслиги ва тормоз тизими параметрлари тўғри танланганлигини кўрсатади.

Трактор тиркамасининг пневматик тормоз тизимининг асосий кўрсаткичлари: трактор тиркамасининг пневматик тормоз тизимининг ишга тушиш вақти олди ўқи учун 0,58 сек, орқа ўқлари учун 0,56 сек, бу ЎЗДСт 35:13-2010 ва 80-техник регламент талабларига (0,6 секунддан ортиқ эмас) тўғри келади, трактор тиркамасининг текис асфалт-бетон йўлда 30 км/соатгача тормозланишида ҲПЮдаги максимал босим 0,640 МПа, номинал босим 0,601 МПа, ишга тушиш вақти олди ўқи учун 0,58 сек, орқа ўқлари учун 0,56 сек, ўтиш жараёни вақтлари мос равишда 0,21, 0,24 сек, босимнинг ростланиши мос равишда 0,640, 0,630 МПа.

Тавсия этилган параметрлар ва олинган натижалардан фойдаланиш лойиҳалаш-конструкторлик ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, завод синовлари учун сарф маблағларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини 25% га ошириш имконини беради. Катта ҳажмли трактор тиркамасининг параметрларини асослаш бўйича илмий тадқиқот натижалари "Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази" МЧЖда жорий этилган ва битта тиркамадан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий самара бир йилда 42,5 млн. сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

1. Тадқиқотлар ва мавжуд конструкцияларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, мавжуд чет-эл аналогигадаги тиркамалар катта ҳажмли ва енгил юкларни бир вақтда кўпроқ ташиш орқали ёқилғи ва иш вақтини тежаш имконини бериб, юк ташиш самарадорлигини оширсада, Ўзбекистонда бундай тиркамалар конструкциясини ишлаб чиқишда пахта ва бошқа енгил маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини (пахтани сақлаш ва қайта ишлаш пунктларининг геометрик ўлчамлари) ҳисобга олиш зарур, устқўймалардан фойдаланишда кузовнинг баландлиги пахта териш машинаси бункерининг юклаш баландлиги билан чегараланиши, уч ўқли тиркамада тормоз тизимининг юкланишини бир текис тақсимлаш, барқарорлик ва маневр қилиш имкониятини таъминлаш, даладан маҳсулотларни тез олиб чиқиш, хом-ашёни конвейер орқали тушириш ва мавжуд йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларини ҳисобга олишни ҳамда ЎзДСт 35.13:2010 (БМТ ЕИК Қоидалари № 13) "М, Н ва О тоифадаги транспорт воситаларини тормозлашга нисбатан расмий тасдиқлашга тааллуқли ягона кўрсатмалар"га мувофиқ бўлишини талаб қилади.

2. Тиркаманинг максимал юкланиши, унинг ўқларига тушадиган юклама, геометрик ўлчамлари, танланган босим асосида ҳажмий пневматик тормоз юритмасининг статик параметрлари аниқланди.

3. Катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизими учун функционал тугалланган элементлар усули асосида ҳисоблаш модели ишлаб чиқилди, унга кўра тормоз тизимининг ҳар бир элементи учун математик модел тузилади ва қабул қилинган схема бўйича чегаравий шартлар билан бирлаштирилади. Хусусан, тормоз тизими юритмасининг ўтказувчи қувурларидаги динамик жараёнларни тасвирловчи моделнинг асосий тенгламаси сифатида В.В.Жестков томонидан модернизация қилинган машҳур Навье-Стокс тенгламаси қабул қилинган бўлиб, унда ҳаво тўлқини қовушқоқлиги коэффициентини, ҳаво оқим режими ва маҳаллий қаршилик коэффициентларини тасвирловчи боғлиқликлар ўзгартирилган. Умумий моделда алгебраик оддий дифференциал тенгламалар ва хусусий ҳосилалар тенгламаларни ўз ичига олади. Оддий дифференциал тенгламаларни ечиш учун биринчи даражали аниқликдаги Рунге-Кутта усули (Эйлер усули)

қўлланилди. Хусусий ҳосилали тенгламаларни ечиш учун модификацияланган икки қатламли Лакс-Вендрофф схемаси қўлланилди.

4. Катта ҳажмли трактор тиркамаси тормоз тизими иш жараёни ва тормозланиш жараёнини ташқи таъсир, юритмалар тизимининг ишлаши, бошқарув таъсири, тормоз кучининг ўқлар бўйича тақсимланишини ҳисобга олувчи сонли ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди.

5. Тиркама тормоз тизимининг статик ва динамик ҳисоби таҳлили шуни кўрсатдики, ўтказувчи қувур диаметрининг камайиши юритманинг тезлигини яхшилайдди, аммо бир вақтда ўтиш жараёнлари сифатини камайтиради. Шу билан бирга, ўтказувчи қувур диаметрининг ортиши юритмадаги қаршиликларни орттириб юритманинг ишга тушиш вақтини камайтиради ва ўтиш жараёни вақтини оширади. Ўтиш жараёнининг энг яхши кўрсаткичларига тормоз камераси диафрагмасининг диаметри олдинги ўқ учун 210 мм ва орқа ўқлар учун 150 мм, қувурлар диаметри олдинги ўқ учун 14 мм ва орқа ўқлар учун 12 мм бўлганда эришилди, бунда тиркаманинг олдинги ва орқа ўқлари юритмаларида ишга тушиш вақти мос равишда 0,58 ва 0,56 с ни ташкил этди.

6. Тиркама тормоз тизимининг иш жараёнини комплекс ҳисоблаш бўйича таклиф этилган услуб назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг яхши корреляциясини кўрсатди, унга кўра тизимнинг олдинги ўқи учун ишга тушиш вақтлари бўйича натижаларнинг максимал оғишлари 5,26%, орқа ўқлар учун 5,35%, ўтиш жараёнлари вақтлари бўйича олдинги ўқ учун 5,0%, орқа ўқлар учун 6,66%, максимал босимнинг номинал босимга нисбатан фарқи эса олдинги ўқ учун 4,2% ва орқа ўқлар учун 3,28% ни ташкил этди. Тиркама тормоз тизими параметрларининг оғиши (қувур диаметри, тормоз камераси ўлчамлари, қувур узунлиги, ўтиш жараёни хусусиятлари) умуман олганда 8% дан ошмаслиги аниқланди, бу эса ишлаб чиқилган моделдан юритма параметрларига қараб иш жараёнини синхрон бўлмаган ҳолда ҳисоблаш учун фойдаланиш ва тормоз тизими параметрларини асослаш ва унинг ишлашига турли омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш имконини берди.

7. Тажрибалар натижалари асосида, йўлнинг горизонтал қисмида тиркамага максимал юклама ва меъёрий хужжатларда белгиланган максимал тезликда тормозлаш жараёнида нормал реакция кучларининг қайта тақсимланиши ва тормоз тизимининг самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи тормозлаш самарадорлигининг эмпирик коэффициенти  $k_e$  нинг ўртача қиймати таклиф этилаётган тиркама учун 1,96 га тенг эканлиги аниқланди. Бу натижа нормал реакция кучларининг қайта тақсимланиши катта эмаслигини ва тормоз тизимининг параметрлари тўғри танланганлигини кўрсатади.

8. Тажрибалар натижалари асосида олинган қийматлар таҳлили шуни кўрсатдики, максимал юклама билан 30 км/соат тезликда ҳаракатланаётган трактор тиркамаси тормоз тизимининг олдинги ўқидаги ўтиш жараёнларнинг қийматлари тизимнинг ишга тушиш вақти кечикишини ҳисобга олган ҳолда дастлабки 0,58 сонияда 0,640 МПа атрофидаги босимгача кескин ошади,

сўнгра у қаршилиқ кучига эга бўлган қийматларгача пасаяди, орқа ўқлардаги ўтиш жараёнларнинг қийматлари дастлабки 0,56 сонияда максимал 0,628 МПа ни ташкил қилади. Тизимнинг орқа ўқларида тормозланиш жараёни 0,02 секунд олдин бошланиши аниқланди. Умуман олганда, тажрибалар таҳлили ТТЗ-85120-1 тиркамаси тажриба нусхасининг ишчи тормоз тизими тиркамани фавқулодда тормозлашни таъминлаши ва техник талабларга тўлиқ жавоб беришини кўрсатди.

9. Катта ҳажмли трактор тиркамаси хаво тормоз тизими иш жараёнини комплекс ҳисоблаш услубини жорий қилиш натижасида лойиҳалаш-конструкторлик ишлари, тажриба ва саноат нусхаларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини 25% га оширишга эришилди. Катта ҳажмли трактор тиркамаси параметрларини асослаш бўйича илмий тадқиқот натижалари "Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази" МЧЖда жорий этилган ва битта тиркамадан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий самара бир йилда 42,5 млн. сўмни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларига 2 та компютер дастурларига гувоҳнома олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.15/31.08.2022.Т.73.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭРГАШЕВ НУРИЛЛО ТОХИРБЕК УГЛИ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ТОРМОЗНОЙ СИСТЕМЫ  
ТРАКТОРНОГО ПРИЦЕПА БОЛЬШОЙ ВМЕСТИМОСТИ**

05.08.06 – Колесные и гусеничные машины и их эксплуатация

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии(PhD) по техническим наукам

Ташкент – 2025

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан № B2025.1.PHD/T5469.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Шермухамедов Абдулазиз Адилхакович,**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ханкелов Тавбай Каршиевич**  
доктор технических наук, профессор

**Астанақулов Комил Дўллийевич**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Джизакский политехнический институт**

Защита диссертации состоится часов на заседании Научного совета **DSc.15/31.08.2022.T.73.03** при Ташкентском государственном транспортном университете «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_\_\_. (Адрес: 100167, г.Ташкент, ул.Адилхужаева, дом 1. Тел.: (99871) 299-05-66).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета \_\_\_\_\_ зарегистрирован под номером \_\_\_\_\_. Адрес: 100167, г.Ташкент, ул.Адилхужаева, дом 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации распространен «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года.  
(Протокол реестра под № \_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года).

**А.А.Рискулов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор технических наук

**К.З.Зияев**  
Ученый секретарь научного совета,  
доктор философии(PhD), доцент

**А.А.Мухитдинов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, доктор  
технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире в целях дальнейшего развития мировой экономики и качественного удовлетворения потребностей населения в транспортных услугах большое значение придается укреплению материально-технической базы сельского хозяйства, обеспечению его новыми высокоэффективными автотранспортными средствами, позволяющими внедрять новые энерго – и ресурсосберегающие технологии. В настоящее время в сельском хозяйстве ведущее место занимают вопросы, направленные на проведение полевых работ в установленные сроки, во многом – увеличение наличия высокопроизводительных скоростных автотранспортных средств, обеспечивающих своевременную доставку необходимых материалов на поля, вывоз собранного урожая с полей. В связи с этим особое внимание уделяется использованию тракторного прицепа большой вместимости и необходимой мощностью при перевозке различных видов легких и крупногабаритных грузов.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по увеличению типов и улучшению свойств автотракторных прицепов, в том числе прицепов большой вместимости, предназначенных для перевозки сельскохозяйственной продукции. В этом направлении, в частности, такие компании, как "John Deere", "Krampe", "Palmse Trailer", "Blum Machinery", "Mordovagromash", "Белагромаш", "Palaz og'lu", "Luckinn vehicle", приоритетными считаются исследования, посвященные вопросам погрузки сельскохозяйственной продукции, разгрузки грузов и разбрасывания удобрений с использованием различных механизмов на прицепах большой вместимости, используемых в различных дорожных условиях, а также их агрегации с тракторами или прицепами с последующим обоснованием параметров тормозной системы и движущихся частей. В то же время такие вопросы, как ускорение уборки и транспортировки сельскохозяйственной продукции в установленные сроки, внедрение современной и ресурсосберегающей техники и технологий, повышение качества механизированных работ, эффективное использование сельскохозяйственной техники и обеспечение ее безопасности, считаются актуальными задачами.

В нашей республике реализуются комплексные плановые меры по реформированию сельского хозяйства и внедрению рыночных механизмов, доставке продукции потребителям путем создания благоприятной агробизнес-среды и цепочки добавленной стоимости. Об этом свидетельствует принятие ряда нормативно-правовых актов, направленных на развитие работ по сборке, транспортировке, хранению, переработке, упаковке и сертификации, стимулирующих научно-исследовательскую и методическую работу в данной сфере. В частности, в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы "...Разработка концепции развития

транспортно-логистических услуг"<sup>3</sup> отдельно определены задачи по снижению затрат на перевозку грузов до 30 процентов.

